



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (13.728)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатда нефрологик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Бир қатор республика ва барча вилоят тиббиёт муассасаларида беморлар умрининг анча узайишини ва уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлайдиган гемодиализ бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд аҳволнинг тахлили гемодиализ ёрдамида беморлар умрининг анча узайишини тиббий хизмат кўрсатишга тўққонлик қилаётган бир қанча ечимини қўлатган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

Биринчидан, тиббиёт муассасаларида гемодиализ олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлинмаларининг ярмидан ортиги мослаштирилмаган хоналарда жойлашган, кўпгина гемодиализ машиналарининг белгиланган фойдаланиш муддати ўтиб кетган;

Иккинчидан, аҳолига юқори малакали нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш, шунингдек, буйрақларни трансплантация қилиш бўйича минтақавий бўлинмаларга эга бўлган ихтисослаштирилган тиббиёт марказини ташкил этишга эҳтиёж мавжуд;

Учинчидан, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларни даволашнинг ягона стандартлари ва протоколлари жорий этилмаган, шунингдек, нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими, беморларни танлаш ва гемодиализга юбориш тартиб-таомиллари йўлга қўйилмаган;

Тўртинчидан, нефролог мутахассислар, гемодиализ шифокорлар ва гемодиализ бўлинмаларининг бо-

шқа тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича ягона дастур мавжуд эмаслиги сабабли шифокор-нефрологлар ва гемодиализ бўйича мутахассислар кескин етишмапти;

Бешинчидан, нефрологик касалликларни даволашнинг замонавий тиббий инфратузилмасини яратиш ва ушбу соҳада тўққонлик қолган муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланилмапти;

Олтинчидан, гемодиализ тиббиёт ускуналари ва сарфлаш материалларини олиб кириш ва сотиб олишни рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаш ва рухсатнома олишнинг мураккаб ва шафқатсиз бўлмаган тартиб-таомиллари амал қилмоқда, бу бозорга киришни ва уларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни чеklangмоқда.

Мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш ва камчиликларга барҳам бериш, шунингдек, замонавий инфратузилмани ривожлантириш тизимини яратиш ва нефрологик касалликлардан азоб чекаётган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш бўйича фаолияти қониксиз, деб топилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиши янада ошириш соҳасидаги асосий вазирлик ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий тиббиёт таълим муассас-

салари клиникалари, республика кўп тармоқли шифоналарининг етакчи мутахассислари иштирокида тизимли равишда аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилишини ташкил этиш;

профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий ҳамда самарали усулларини жорий этиш йўли билан соғлиқни сақлаш тизимининг вилоти ва туман даражаларида аҳолига ихтисослаштирилган, юқори технологик нефрологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш;

буйрак патологиясининг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш, мавжуд беморларни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича ишларни ташкил этишчи интеграциялаштирилган тизимни соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражаларида яратиш, шунингдек, беморларга ташхис қўйиш, танлаш ва гемодиализга юбориш жараёнини халқаро амалиётга мувофиқ қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш йўли билан нефрологик касалликларга чалинган ҳамда бу касалликлар сабабли вафот этишни қамайтириш; даволашнинг юқори технологик усуллари ва замонавий стандартларидан кенг фойдаланган ҳолда гемодиализ ёрдамига мўҳтож беморлар умрининг узайишини ва уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлаш;

тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида катта ёшдагилар ва болаларда буйрак касалликларига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг ягона замонавий стандартлари ва протоколларини жорий этиш, жумладан, гемодиализ сеанслари учун мажбурий клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – ШВЕЙЦАРИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан очик конструктив мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаб бормоқда. Швейцария Конфедерацияси мамлакатимизнинг мустаҳкам дўстлик ва ўзаро англашув муносабатлари жадал ривожланаётган ишончли ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Швейцария ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган интилоқлар муштараклигини намойиш этувчи янги, фаол ривожланиш босқичи бошланди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1993 ва 1996 йилларда Швейцарияда ташрифи ва унинг доирасида Ҳукумат вакиллари билан учрашуви муҳим тарихий воқеа бўлди.

Швейцария Конфедерацияси Президенти ва Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ)га раислик қилган ташки ишлар вазири Дидье Бурхалтернинг 2014 йилнинг ноябрь ойидаги мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон – Швейцария ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим қадамлардан бири бўлди. Мамлакатимиз раҳбарияти билан музокарадан чоғида Ўзбекистон – Швейцария муносабатларининг барча соҳаларидаги истиқболлари муҳокама этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро хурмат ва ишонч асосида ривожланмоқда. Тошкент ва Берн бир-бирларини халқаро ташкилотлар доирасида қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон турли давлатларро ва ҳукуматларро тузилмалар, жумладан, БМТ, Халқаро электралоқа иттифоқи, Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссия, Алиментариус кодекси комиссияси (озик-овқат индустрияси соҳасидаги жаҳон стандартлари тўғрисида) доирасида Швейцария номзоди учун бир неча бор овоз берган.

Ўз навбатида швейцариялик ҳамкорларимиз мамлакатимизнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани яратишга йўналтирилган ташаббусларини амалга ошириш ва БМТнинг тегишли резолюциясини қабул қилишга қўллаб-қувватлашда 2011-2015 йилларда Швейцария Ўзбекистон номзодини Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия қўмитаси таркибидан қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, Конфедерация мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 июнда қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш резолюцияси" ҳаммуаллифи бўлди.

Ўзбекистон – Швейцария муносабатларининг ривожланиш динамикаси икки мамлакатнинг нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама форматдаги кенг миқёсдаги ҳамкорлигидан манфаатдор эканидан далolat беради. 2017 йилдан 2020 йилларгача бўлган даврда Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Швейцария стратегиясининг янги янги унинг ўзаро алоқаларни ривожлантиришга содиқлигидан гувоҳлик беради.

Шунингдек, Швейцария Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан биридир. Етти мартаба йиғилиш ўтказган Ҳукуматларо комиссияси савдо-иқтисодий алоқаларни тартибга солишчи муҳим механизм ҳисобланади.

Бундан ташқари, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, яқин истиқболдаги вазифаларни белгилаш, икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида янги алоқаларни йўлга қўйиш, Ўзбекистон ва Швейцария компаниялари ўртасида ўтказилаётган бизнес форумлар ушбу соҳада ҳамкорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг ақуналари бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Швейцария-Осиё савдо палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум, Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Ўзбекистон – Швейцария савдо-саноат палатаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми ва Top Pharm Service (Ўзбекистон) ва Clever Ways GmbH (Швейцария) фармацевтика компаниялари ўртасида меморандум имзолангани ушбу тадбирларнинг самарадорлиги ҳақида далolat беради.

(Давоми 2-бетда)

ТОШКЕНТНИНГ МАРКАЗИЙ КЎЧАЛАРИДАН БИРИГА ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ НОМИ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қароридан Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номини бериш белгиланган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз саккизинчи сессиясида ушбу масала атрофича кўрилиб, Юнусобод туманидаги Бодомзор йўли кўчасига Чингиз Айтматов номи бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, балки бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадри сиймо, чин дўст ҳам эди.

Айтматовнинг "Тоғ ва чўл қиссалари" туркумига кирган асарлари юксак баҳоланди. Айтматовнинг "Оқ кема" (1970) қиссасида инсоний гўзаллик, эзгулик ва ҳаёт зиддиятлари, экология муаммолари теран тадқиқ этилади.

"Соҳил бўйлаб чапайган олапар" (1977) қиссасида муҳим маънавий масалалар, шўро давридаги ҳаётнинг машъум манзаралари ўз ифодасини топган. "Асрга татиғулик кун" (1980), "Қиёмат" (1986), "Кассандра тамғаси" (1990) романларида замонамизнинг умуминсоний манзаралари, она сайёрамизнинг тақдири, кучли фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий муаммолар кўтарилган.

Ч.Айтматовнинг қарийб барча асарлари ўзбек тилида нашр этилган. Айтматов ўзбек адабиёти, умуман, ўзбек маданияти тарихини юксак баҳолаб, "Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга қўрсатган таъсири кўна Византиянинг қадим Русга қўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин", деб ҳисоблайди.

Ч.Айтматов Ўзбекистон Республикасининг "Дўстлик" (1995), "Буюк хизматлари учун" (1998) орденлари билан мукофотланган.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ ОЧИҚ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

Пойтахтимизда давлат ва хўжалик вакиллари, хорижий ҳамда маҳаллий сармоядорлар таклифлари бўйича ягона платформанинг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти кўмагида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус, нодавлат ташкилотлар вакиллари, 250 дан зиёд инвестор ва тадбиркор иштирок этди.

Илк бор ташкил этилган учрашувдан кўзланган мақсад хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг юртимизда мавжуд меҳнат, саноат ва табиий ресурслар, мамлакатимизнинг инвестиция салоҳияти ҳақидаги хабардорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар бўйича давлат

қўмитаси раиси С.Холмуродов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов ва бошқалар мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганини таъкидлади. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини бераётгани қайд этилди.

Бугун мамлакатимизда хорижий сармоядорлар фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилиб, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ягона тизими яратилаётгани тўғрисида инвестицияларни жалб қилиш имкониятини оширмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 960 дан ортиқ чет эл капи-

(Давоми 2-бетда)

● Қаршида давлат ва жамоат ташкилотлари, ЕТБ вакиллари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан "Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) ҳамда кичик бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

● Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги "Чимён" оромгоҳи соғломлаштириш марказида "Чимён садоси – 2018" халқаро экологик фестивал бўлиб ўтди. Мақсур экологик акция Чимён ҳудудини машиий чиқиндиларни тозалашга қаратилган тадбирлардан бири ҳисобланади.

● Жиззах шаҳрида солиқ акваториясида барпо этилган янги болалар ва ёшлар истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. Боғда дам олувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Замонавий 12 аттракцион, баландириги 50 метрли айланма аргимчок, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш шохобчалари, очик бассейн аҳоли хўжалигида.

ЖАҲОНДА

● Индонезиянинг Бали оролидаги Беноа порти йирик ёнғин ичида қолди. Портдаги қамида 40 та балиқ овлаш қайиқлари ва сайёҳлик кемалари қуйиб кул бўлди. Ёнғиннинг сабаби ҳозирча маълум қилинган йўқ. Жабрланганлар ва қурбон бўлганлар ҳақида ҳам ахборотлар мавжуд эмас. Хабарларга кўра, ёнғин тунда бошланган бўлиб, бу пайтда порта одамлар деярли бўлмаган. Маҳаллий ОАВ икки нафар балиқчи бедарак йўқолганини хабар қилмоқда.

● АҚШда қурол савдосига қарши курашни қучайтириш тарафдорлари йирик норозилик намойиши ташкил этди. Намойишчилар Чикагодаги автоташошлардан бирини тўсиб қўйишди. Улар норозилик акцияси орқали ўқотар қуроллар сабабли ҳар йили юзлаб киши ҳалок бўладиган Чикаго шаҳридаги вазиятга жамоатчилик эътиборини қаратиш ниятида эканлигини билдирган. Намойишчилар қурол савдосига қарши қонунларни янада қучайтиришни талаб этишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

нефрологик ва гемодиализ муассасаларини замонавий юқори технологик ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт ускуналари билан тўлиқ жиҳозлаш, уларни эҳтиёт қисмлар, гемодиализ учун сарфлаш материаллари билан узлуқсиз таъминлаш ва тегишли қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш йўли билан нефрология ва гемодиализ муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий секторни ва давлат-хусусий шерикликни жадвал ривожлантириш.

3. Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Чора-тадбирлар дастури амалга ошириладиган муддатга 2-иловага мувофиқ таркибда Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ижросининг боришини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этилсин.

Қуйдагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ушбу қарор қондаларини амалга ошириш, қўйилган вазифаларни бажаришда юзага келадиган муаммоларни ва уларни келтириб чиқарадиган шарт-шароитларни аниқлаш; нефрология ва гемодиализ хизмати фаолияти, буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларга юқори малакали ёрдам кўрсатиш бўйича тиббиёт ходимларига юқланган вазифалар бажарилишининг самарадорлиги устидан тизимли назорат олиб бориш;

сурункали буйрак касаллигига чалинган беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг ишлаб чиқилган стандартлари асосида нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш тиббиёт муассасалари томонидан вазифалар бажарилиши жараёнини, жумладан, жойларга бориб ўрганиш;

амалга оширилган тадбирлар материалларини, Комиссия қарорларини аниқланган камчиликларни ва тиббиёт муассасалари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўриш учун Вазирлар Маҳкамасига, прокуратура органларига ва бошқа органларга юбориш;

нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш тиббиёт муассасалари фаолиятидаги тизимли камчиликлар ва ҳўқуб-зарклиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, бундай ёрдам кўрсатишнинг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси негизда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этишсин;

янги ташкил этилаётган Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази негизда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси" кафедрасини ташкил этишсин;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистратура ва клиник ординатуранинг "нефрология" ва "болалар нефрологияси" мутахассисликлари бўйича янги йўналишларини очишни назарда тутувчи тақлифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар нефрология шифохонасининг ҳўқўқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларининг нефрология ва гемодиализ бўлиналари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг минтақавий ташкилий-методик бўлиналари ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги уч ой муддатда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси биносини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳўжатлари ишлаб чиқишини таъминласин.

7. "Соғлом авлод учун" фонди ва кенг жамоатчиликнинг сурункали буйрак етишмовчилиги билан касалланган шахсларнинг ҳўқўқлари ва қонуний манфаатларини ҳўқўқ қилиш, шунингдек, гемодиализ хизмати фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадига "Ўзбекистон диализ жамияти" нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қўллаб-қувватлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Ўзбекистон диализ жамияти" нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказишда қўмақлашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қуйдагиларни назарда тутувчи "Йўл харитаси" тасдиқлашини таъминласин:

дастурий гемодиализ кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингнинг жорий этиш, шунингдек, хусусий секторни ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар; давлат-хусусий шериклик асосида гемодиализ хизматлари кўрсатиш тиббиёт муассасаларини қуриш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тақлифларни жорий этиш;

гемодиализ аппаратлари ва сарфлаш материаллари етказиб беришга зарур руҳсатномалар беришини, хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан гемодиализ хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тизимини тубдан соддалаштириш бўйича зарур чоралар қўриш;

гемодиализ хизматлари кўрсатиш тартибини, уни амалга ошириш усулларини тартибга солишни, шунингдек, ушбу соҳада давлат-хусусий шериклик шартномаларини тузиш, ижро этиш ва тугатишни назарда тутувчи гемодиализ хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги вақтинчалик низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: а) икки ҳафта муддатда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг тузилмаси ва устивини ҳамда унинг минтақавий бўлиналари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин;

б) уч ой муддатда: нефрология ва гемодиализ бўлиналарининг гемодиализ ускуналари паркни таққидий таҳлил қилиш, унинг яқунлари бўйича уларни янгиллаш, шунингдек, гемодиализ бўлиналари тармоғини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

дастурий гемодиализдаги беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг мажбурий клиник протоколларини тасдиқласин; республика ва минтақавий тиббиёт муассасалари кесимида гемодиализ олишга беморларнинг тенг миқдорда бириктирилишини таъминласин;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажмининг, мутахассисларнинг функционал вазифаларини белгилаган ҳолда нефрология кабинети ва бўлимининг жиҳозлаш стандартларини назарда тутувчи нефрология ихтисослиги бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновация ривожланиш вазирлиги билан биргаликда сурункали буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморлар ҳисобини юритиш ва уларнинг мониторингини олиб боришнинг ягона электрон реестри механизминини жорий этсин;

г) Чора-тадбирлар дастури сифати ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин, мониторинг натижалари тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодий вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновация ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

гемодиализ ўтказиш учун сарфлаш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш; тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва гемодиализ хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун хайри маблағлари ва халқро (хорижий) ташкилотларнинг грантларини жалб этиш юзасидан тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: "Соғлиқни сақлаш" тармоғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳаракатларининг ҳар йилги параметрларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутиш;

давлат-хусусий шериклик асосида стандартлар ва нормативлар бўйича ўтказилган гемодиализ хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўланишини таъминласин;

гемодиализга мўҳтож бўлган беморлар сонининг йиллик ўсишини ҳисобга олган ҳолда зарур гемодиализ ускуналари, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган бюртномалари асосида ўз вақтида харид қилиниши учун бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши, шунингдек, ажратилган маблағлардан ўз вақтида, оқилона ва мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳўқўқий ва бошқа ҳўжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳамидов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 12 июль

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Бугун мамлакатимизда иқтисодий ҳимояга мўҳтож, ҳисмоний имконияти чекланган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу жумладан пойтахтимиз бундай кўмакка мўҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш мақсадига оилалардаги муаммолар ўрганилмоқда, уларнинг ечимини топиш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар олиб бориламоқда.

Бундай ишларнинг самараси ўлароқ, фуқароларимиз турмуш даражаси ошиб, эртанги кунга бўлган ишончи ортмоқда. Асосан уларнинг соғлиғидаги муаммоларини бартараф этиш, бандлигини таъминлаш, имтиёзли кредитлар олишида қўмақлашиш, ногирон фуқароларга қасаначилик иш ўринлари яратиш беришга катта эътибор қаратилган. Шунингдек, уй-жойга эҳтиёжи мавжуд оилаларнинг турар-жой билан таъминланишида бепул ҳамда бошланғич бадални тўла бериш орқали Сергели туманида қурилган уй-жойлар билан таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, бундан фуқароларимиз қувонч билан қарши олишмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг бошидан Тошкент шаҳри бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга жами 410 та ногиронлик аравачалари, 28 донна тиббий протез-ортопедик мосламалар, 55 донна эшитиш мосламалари, 87 донна қўлтиқтаб ва ҳассалар, 11 донна ҳодуқ мосламалари берилди. Хусусан, пойтахтимиздаги оилаларни ўрганиш давомида жами 3.894 нафар ишланган ҳоҳловчи хотин-қизларимизнинг рўйхатлари шакллантирилди. Олиб борилган ишлар натижасида 1.049 нафар аёллар иш билан таъминланди. Улардан 65 нафари тадбиркорлик фаолиятига, 18 нафари ҳўнармандчилик фаолиятига йўналтирилган бўлса, 32 нафарига имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Яна 63 нафар хотин-қизларимизга ҳомийлар томонидан тивук машиналари ажратилиб, 17 нафари давлат қорхоналарига қасаначи сифатида ишга жойлаштирилди. Қолган аёллар маҳалла ҳудудида жойлашган хусусий ишлаб чиқариш цехларида иш билан таъминланди. 27 нафарининг маийий турмуш шартини яхшилаш учун музлатгич, электр печ, кир ювиш машиналари ва бошқа турмушда керак бўладиган техникалар берилди.

Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида пойтахтимиздаги "Ashxobod sayilgohi"да ўтказилган тадбир ҳам бир гуруҳ юртдошларимизга кўтаринки қайфият бағишлади. Жумладан, 63 нафар оғир турмуш шартини яхшилаш, ногиронлиги бўлган фуқароларга ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига уй-жойлар қалитларини Президентининг номидан Тошкент шаҳар ҳўқими вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Ортиқхўжаев топширди.

Шу жумладан, тадбирда иштирок этган 53 нафар ёрдамга мўҳтож кишиларга ногиронлик аравачаси, 34 та фуқарога эшитиш мосламалари, 21 нафар фуқарога маийий техника воситалари ва қўмақ-таъриқ эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Тошкент шаҳар ҳўқимлиги Ахборот хизмати

Диққат, янгилик!

ПОЙТАХТДА ЭЛЕКТРОН ОЙЛИК ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Бугунги кунда шахримиз кўчаларини тўлдириб замонавий "Mercedes", "MAN", "Самкочавто" ҳамда "Isuzi" автобусларининг қатнаётганлиги кўпчиликнинг ҳавасини келтирмоқда. Улар ҳар томонлама қулай, шинам, кенг ва ёруғ жамоат транспорти воситалари ҳисобланади.

Бинобарин, "Тошшаҳартранс" тизимида ҳам бугунги кунда аҳоли ва йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадига бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Тошшаҳартранс" АЖ таркибига бугунги кунда 9 та автобус саройи қиради. Хар бир автобус саройидан кунига юзга яқин автобуслар йўналишга қўйилади. Тизим автобусларида 133 та йўналиш кунига 306 мингдан ортиқ йўловчилар ўз манзилига етказилмоқда.

Шаҳримиз жамоат транспортларида қатновчи йўловчиларга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадига 2018 йил июль ойидан бошлаб аҳолига электрон ойлик йўл чипталарининг хизмати жорий қилинди. Электрон чипталарни пойтахтдаги мавжуд 89 та ойлик йўл чипталари сотадиган махсус будкалардан харид қилиш мумкин. Демак, оддий фуқаро бу шохобчалардан 120 минг сўмга электрон ойлик йўл чиптасини сотиб олиши мумкин. Ҳўқучи, тала-

ба, нафақадаги кишилар учун 50 фоиз чегирмада электрон ойлик йўл чипталари сотилмоқда. Чегирилган нарх 50 фоизда 60 минг сўмни ташкил этади. Бугунги кунда кондукторларга мингдан ортиқ мобил терминаллар тарқатилди. Электрон ойлик йўл чиптасини сотиб олган фуқаро автобусда, метрода бемалол ундан фойдаланиши мумкин. Ҳам автобус, ҳам метрода фойдаланиш учун сотиладиган электрон ойлик йўл чиптасининг нархи 166 минг сўмни ташкил этади. Ҳўқучи, талаба, нафақадаги инсонлар учун 50 фоизлик чегирма жорий қилинган.

— Аҳолига қулай бўлиши учун бизнинг тизимимизда барча чора-тадбирлар қўрилмоқда, — дейди "Тошшаҳартранс" АЖ бўлим бошлиғи Ҳўкрий Аюпов, — бугунги кунга қадар 5 мингга яқин электрон ойлик йўл чипталари сотувага чиқарилди. Аҳолининг талабига қараб бу миқдор кўпайиб боради. 2018 йил бошидан Самар-



Тошшаҳартрансизмат

қанда ишлаб чиқарилган 50 донна "MAN" русумли автобус харид қилиниб, талаб қилинган йўналишларга қўйилди. Жумладан, 2, 46, 14-йўналишларда янги автобуслар қатнамоқда. — Хар кун 51-автобусда ишга бориб-келаман, — дейди йўловчилардан бири А.Йўлдошев, — бу йўналиш қатновидан мамнунман. Ҳар ойда шу чиптани харид қилиб, манзилларга етиб олам. Бунинг учун шу янгиликни жорий қилган мутасаддиларга раҳматларимизни айтаман. Хулоса қилиб айтганда, "Тошшаҳартранс" АЖ тизимида йўловчилар учун яратилган қулайликлар сони биттага қўлайди ва бундан кўпчилик мамнун бўлмоқда. 3.ШАРИФҲОҶОВ

ЎЗБЕКИСТОН – ШВЕЙЦАРИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш истагини билдирган ўзбекистонлик ва швейцариялик тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадига савдо соҳасида имкон қадар қулайлик яратиш тартиби амал қилади. 2017 йилда ўзаро товар айир-бошлаш ҳажми 158,4 миллион доллар, жорий йилнинг январь ойидан май ойигача 74 миллион доллардан ортиқини ташкил этди.

Ўзбекистон ҳудудида швейцариялик сармоядорлар иштирокида 84 компания фаолият олиб бормоқда. Улардан 25 таси қўшма корхонадир. Мамлакатимизда ўз фаолиятини олиб бораётган етакчи 29 компаниянинг юз фоиз акциялари Конфедерация резидентларига тегишлидир. Швейцариянинг 29 бизнес субъекти Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган, улар энгил саноат, фармацевтика, машинасозлик, кимё, озиқ-овқат тармоқлари, саноатлик секторда фаолият олиб бормоқда.

Швейцариялик шериклар томонидан Ўзбекистонда иқтисодий аҳамиятга эга дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Конфедерация ҳўкумати томонидан мамлакатимизга молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш доирасида 126 миллион АКШ доллари ажратилди. Маблағлар соғлиқни сақлаш, касбий таълим, сув таъминоти, сув манбаларини бошқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги 40 та муҳим лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга йўналтирилган. Улардан 33 таси ниҳоятга етказилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан йўлдан кўтвол мақбудида "Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий-технологик соҳалардаги шериклик алоқаларини изчил ривожлантириш учун катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд"лиги қайд этилган. Ўзбекистон "озиқ-овқат, тўқимачилик, фармацевтика саноати, кишлоқ ҳўжалиги мақсулотларини чуқур қайта ишлаш, туризм ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир қўшма лойиҳа ва дастурларда Швейцария компанияларининг кенг иштирок этиши"га ишонди.

Бундан ташқари, тўқимачилик саноатидаги ҳамкорлик бўйича бой таҳрибга тўлганган. "Ўзбекистон ишончили ва узок муддатли халқро шерикларимиздан, у улкан иқтисодий имкониятларга эга", — дейди Швейцария тўқимачилик машинасозлиғи уюмчаси президенти Эрнесто Маурер. Тўқимачилик корхоналарини техник қайта жиҳозлашда Швейцария ишлаб чиқарувчилари билан олиб борилган ҳамкорлик муҳим роль ўйнади. "Rieter" (ип-калавда дастгоҳлари), "Sauger" (тўқимачилик дастгоҳлари), "Uster" (лаборатория ускуналари), "Luvra" компаниялари шулар жумласидандир.

Масалан, тўқимачилик машинасозлиғи соҳасида "Rieter" билан ҳамкорликда қўйилган 11 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилди. "Rieter Uzbekistan" қувватлари пахта толасини қайта ишлаб, ип-калавда ишлаб чиқаришга бўлган жараёнини тўлиқ таъминлади. "Swiss Capital" компанияси иштирокида 250 миллион долларлик 8 та лойиҳа амалга оширилган. 2017 йилда Хоразм вилоятида Марказий Осиёда тенги йўқ етакчи Европа компанияларининг замонавий технологик жиҳозлари асосида тайёр пайпоқ мақсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилгани бунга ақвол мисолдир. Уларнинг рўйхатига Наманган вилоятидаги "ЎзтексЧўқурон" ва "Чўқурон текстиль" тўқимачилик мажмуаларини ҳам киритиш мумкин.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам муҳим алоқалар йўлга қўйилган. Мамлакатимизда 1999 йили ташкил этилган "Ўзбекистон – Швейцария" дўстлик жамияти икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш имконини беради. Жамият ўз фаолияти давомида турли анжуманлар, симпозиумларни ташкил қилади, шунингдек, маданий-маърифий масалалар бўйича фикрлар алмашинувини амалга оширади.

Бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида фан ва таълим соҳасида алоқалар йўлга қўйилмоқда, қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, астрономия, физика, биофизика, биохимия, генетика, тарих, тиббиёт ва экология каби йўналишларда тадқиқотлар олиб боришмоқда. Фанлар академияси муассасалари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Ўзбекистон кишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Бери, Женева, Цюрих, Давос, Фрибург ва Лозанна университетлари ўртасида самарали алоқалар ўрнатилган.

Ўзбекистонлик мутахассислар Швейцариядаги халқро тиббиёт конгрессида фаол иштирок этиб келатганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳар навбатида Конфедерациянинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги вакиллари мамлакатимизда ўтказилаётган халқро тадбирларга ўз хиссасини қўшмоқда, тренинглари ташкил этишмоқда, тиббий кўрик ва операциялар ўтказмоқда.

Икки мамлакат ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш мақсадига пойтахтимизда Швейцария иқтисодий-таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Иоханн Шнайдер-Амман иштирокида Ўзбекистон – Швейцария бизнес форуми ўтказилди. Форум иши, шўҳасиз, мамлакатларимиз иқтисодий ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнади.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ ОЧИҚ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда жалб қилинаётган инвестиция лойиҳаларини белгиланган муддатларда амалга ошириш бўйича алоҳида назорат тизими мавжуд, — деди Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Саидилнон Аҳмедов. — Бу истиқболли режаларни рўёбга чиқаришда келиб чиқishi мумкин бўлган муаммоларни барвақт аниқлаш ва ечим топишга қаратилган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан инвестиция лойиҳаларининг ягона портали яратилаётгани бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир. Мазкур тизим орқали фаолиятда шўфоблик таъминланади. Яъни, инвесторлар лойиҳалар бўйича барча маълумотлари, уларнинг қандай босқичда эканини мунтазам равишда кузатиб бориши мумкин. Бугунги мўҳомаа чоғида айна тизим имкониятларини кенгайтириш ва белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш имконига эга бўлди.

Анжуманда чет эл инвестицияларини жалб қилишга қаратилган давлат сиёсатини ҳамда иқтисодий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, бизнесни ташкиллаштириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришнинг жорий ҳолатига оид масалалар ҳам кенг мўҳомаа қилинди.

— Ўзбекистонда кейинги йилларда олиб борилаётган ишловхотлар сабаб инвесторларнинг мамлакатимизга қизиқиши ортиб бормоқда, — деди Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Аҳмад Башар. — Бугун туркиялик ишбилармонлар ҳам Ўзбекистонда ўз бизнесини йўлга қўйишдан манфаатдор. Шу маънода, ҳамкорлигимиз истиқболларини белгилаб олишда бу каби учрашувларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда мамлакатимизнинг саноат ва инвестиция салоҳияти ҳақида кенг маълумот бериш, маҳал

Хатлар — ҳаёт ойнаси

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

Ватан остонадан бошланади, дейди доно халқимиз. Демак, ёш авлодлар онгидан Ватан туйғусини уйғотиш, шунингдек, ўқитувчиларнинг ҳам ўзига хос масъулиятлари бор.

Она ўз алласи билан гўдакка ота-онани, қолаверса Ватанни танитади.

Ота эса ўз ўғлига ўзининг аскар бўлганлигини, ҳарбий хизмат вақтида кўрсатган жасоратлари тўғрисида айтиб беради. Ушбу сабоқлардан фарзандларимиз қалбидан Ватаннинг муқаддаслиги, келажикда ҳар бир илгиринг ватан посбони бўлиш, эл-юртини ҳимоя қилиш туйғуси жойланади.

Ватан туйғусини, миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз эканлигини янада кенгроқ тушунириб бориш мақсадида мактаб, коллежларимизда ўқитувчилар томонидан ёшлар билан ватан қўниқмалар бериб келинмоқда.

Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежидан ҳам келажакимизни посбонларига чақирққа қадар бошланғич тайёргарлик фани орқали билим берилди. Шуни мусобақа ҳолида «Шунқорлар» мусобақаси ҳар йили ўтказилади. Яқинда «Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз»

мавзуида ўтказилган тадбир шулар жумласидан. Тадбирга ҳарбий қисмдан ҳарбий хизматчилар сержант Я.Назаров, кичик сержант Н.Маманов, оддий аскарлар С.Баҳриддинов, Ж.Жалолов билан бирга истефодаги лейтенант, меҳнат фахрийси Қ.Чаятаев, ЁҚТ раҳбари лейтенант Ҳ.Мухитдиновлар қатнашди.

Ушбу маънавий-маърифий тадбирда аждодларимиз Жалолiddин Мангуберди, Амир Темураббосиддиннинг меҳоси бўлиб келадиган Ватан туйғусини ўқувчилар қалбига сингдириб, ҳарбий бўлишдек шарафли бурч тўғрисида меҳмонлар фахр билан ёшларга ҳаётий мисоллар орқали гапириб бердилар.

Тадбир сўнгидан ўқувчилар ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, худди улардек мард ва жасур бўлишга, она Ватан осмонини ҳамиша мусаффо сақлашга ҳисса қўшишга доимо тайёр бўлишга сўз бердилар.

Пердегул АЛЛАНАЗАРОВА



ЮРТГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Бугун юртимизда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳеч ким бу хайрли янгиланишларга бепарво эмас ва четда тургани йўқ. Айниқса, қурилиш ва ободончилик борасида катта ишлар қилинмоқда.

Тахририятимизга Миробод тумани, «Мингўрик» маҳалласи, Шаҳрисабз кўчаси, 23-уйда яшовчи аҳолидан миннатдорлик мазмундаги мактуб келди. Унда жумладан шундай сатрлар бор.

«...Қўп қаватли уйимизда 125 та хонадон жойлашган бўлиб, уларда 750 нафар қўп миллатли аҳоли ахил-иноқликда истеҳсол қилиб келибди, — дейди хат муаллифи 70 ёшли қарши олган пенсионер Замира Нигматова. — 65 нафар кекса ёшдаги ҳамда 200 дан ортқ ёшлар истеҳсол қилади. Ушбу дун қурилганга 35 йил тўлди. Қўп қаватли уйимизнинг тазалиги, саранжом-сарватчилигига доимо эътибор берамиз. Ёртимизда қуруқ, томдан чакка ўтмайди. Ёшларга рақамли кўлфлар ўрнатилган. Бу ишларда «Мухтасар сервис» ХУЖМШ раҳбари Рустам Гариповнинг ҳиссаси катта. Яқинда хомийлар ёрдамида аҳоли учун замонавий айвонча қуриб берилди. Бундан болалар, катталар, барча яшовчилар хурсанд бўлди. Бизга айвонча қурилишида чин кўнгилдан ёрдам берган «Rash brothers» хусусий корхонаси раҳбари Рашид Богатирёв, «Perfect urban food» МЧЖ раҳбари Санжар Алиматов ҳамда «Rest and recreation» МЧЖ раҳбари Раушан Матчановлардан бениҳоя миннатдоримиз...»

Йўлимиз тушиб, «Мингўрик» маҳалласида жойлашган 23-уйдаги ҳолат билан танишдик. Дарҳақиқат, 9 қаватли уй атрофи тоза, озода, осудалик сезилади. Хомийлар томонидан қуриб берилган айвончада кексалар сўбатлашиб ўтиришмоқда.

— Уч ҳомий йигитларимизга ҳаётда раҳматларимизни айтганимиз, — дейди шу уйда яшовчи меҳнат фахрийси Асия Нуриева, — муножаатимизга тадбиркорлар «лаббай» деб жавоб беришди. Икки ҳафтада замонавий айвонча кўнўд этилди.

— Айвонча 40 квадрат метрни ташкил этади, бу ерда болалар расм чизади, уйнайди, кексалар дам олади, — дейди каттарлик билан «Rash brothers» хусусий корхонаси раҳбари Рашид Богатирёв. — Пойтахтимиз қанчалик обод бўлса биз шунча хурсандимиз, албатта.

— Ҳа, ахилликда, ҳамжихатликда гап кўп. «Мухтасар сервис» ХУЖМШ атрофида бирлашиб, ўз уйини обод этмаётган ва сақлаётган 23-уй яшовчиларига ҳавас қилса арзийди.

Шаҳримизда одам ва озода уйлар сафий анида кенгайверсин, деб ортга қайтди...
Жасур ЭЛИМОВ

у билан биргаликда ўнга фаришта ҳам келиб, хонадонингга байан киритаркан. Меҳмон билан ширин суҳбат қуриш, обод бўлиш кузатиш лозим.

Зулфия ЮНУСОВА, ёзувчи:
— Меҳмон келган уйга Аллоҳ ризқ, барака бериб тураркан. Меҳмон ўз ризқи билан келади, дейишди кексаларимиз. Халқимизда «Меҳмон отангдек улғу» деган нақл ҳам бор. Ўзбекининг бағри кенглигини қаранг. Меҳмон учун энг яхши уйини, чиройли, янги кўрпачасини, эстетикларини қўриб қўйишди. Ҳаттоки кимдир келиб қолса шошилиб қолмайди, дея номининг энг яхшисини, энг танисик ва сара меваларни, ширинликларни меҳмон учун олиб қўйишди.

Ислом БОБОБЕКОВ, исломшунос:
— Ўзбек халқи азиздан меҳмондўст халқ ҳисобланиб келади. Халқимиз очик юзлиги, хуш тазовелиги, меҳмондўстлиги, меҳмоннавозлиги билан шухрат қозонган. Бирор ўзбек хонадонини йўқ, меҳмонни хурсандчилик билан кутиб олмаган ва уйдаги меҳмон неъматларини дастурхонга келтириб ўтмаган бўлсин.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, кейинги вақтларда айрим ёшларимиз орасида меҳмонга нисбатан ҳурматсизлик, уйга меҳмон келса, худди ҳар кун уйдан меҳмон аримайдигандек «яна меҳмон келдимми?» дейдиганлар ҳам афсусчи бўлиб кетмоқда.

Шундай экан биз ёшларимизга меҳмон келган уйга файзу барака киришигини, меҳру оқибат кўтарилмаслигини, меҳмонларни ҳамиша хурсандчилик билан кутиб олиш лозимлигини яхшилаб ўқитиб бормоқчимиз зарур.
Хонбегим ХИММАТ қизи

Мулоҳаза

МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИКДАН...

Меҳмон — ўзга хонадон, маҳалла, юртга самимий ришталарни боғлаш, эзгу ният ва хайрли ишларни амалга ошириш мақсадида ташриф буюрувчи қариндош-уруғ ва яқин инсонлардир.

Меҳмон келишини халқимиз эзгулик, яхшилик рамзи деб ҳисоблайди. Одамларнинг бир-бири билан бориб-келди қилиши, мулоқотда бўлиши, бир-бирига меҳру-оқибат, муруват кўрсатиши, меҳмондўстлик ва мезбонлик алоқаларини боғлашлари инсоний фазилат ҳисобланади. Меҳмондўстлик орқали дўстлик, ўртоқлик, одамгарчилик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантирилади.

Меҳмондорчилик одоби — инсонларнинг юксак инсоний ва самимий фазилатлари асосига қурилган меҳмонга бориш ва меҳмон кутиб бораётганга ўзаро мулоқоти ва муносабатларида амал қилинадиган одоб-мулоқоти талаблари, муайян тартиб-қоида ва удулларни ифода қиладиган тушунақдир.

Меҳмондорчилик қоидаларидан бири шунки, меҳмон келган уйда бақириб гаплашиш, шовқин солиш, унинг хузурида ади-бади айтишиш, уришиб қолиш у ёқда турсин,

ҳатто кесатиб гапириб ҳам бўлмайди. Меҳмонга озор бермасликка интилиш эса одамларни қовуштириб, меҳру-оқибатли қилади, дўстлик ва биродарликни келтириб чиқаради, оилада бир-бирига меҳру-муҳаббат, ҳамжихатлик, хотиржамликни янада кучайтиради.

Қуйида муштарикларимизнинг меҳмондорчилик ҳақидаги фикрларини келтирдик.

Анора ШОДИЕВА, 85 ёшдаги онахон:
— Меҳмондўстлик ўзбек халқининг аҳолий одатларидан бири бўлиб, қилади ўртасидан қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Доноларимиз бежизга «Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам меҳру дилинг кенг бўлсин» дейишмаган. Меҳмонни очик юз ва ширинсуханлик билан кутиб олиш лозим. Мезбон ноз-неъматлар билан меҳмонни сийлайди. Уйингизга меҳмон кадам ранжидан қилганида

Доно халқимизнинг ҳаётдан келиб чиқиб айтган сермазми макол ва маталларни бисёр. «Ўтган кунингни унутма, ҳам чорингнингни чиритма...». Сал дағалроқ бўлса ҳам бу топилма айнан ҳақиқатнинг ўзи. Ҳаёт синовларидан ўтмай, бойвачча ота-боболарининг эркатойи бўлиб ўсган, ҳалол нон топиш машрақатини бошидан кечирмаган кимсалар ўта энгил ёки сал оғирроқ шароит таъсирида дарров ўзларини ўқотиб қўядилар.

Ёзувчи ён дафтаридан

УМРНИ УВОЛ ҚИЛМАНГ!!

Очик-ойдин тан олиш керак, мамлакатимиз ўғил-қизларининг комил инсон бўлиб вояга етишида мактаб, коллеж ва лицейларнинг ўрни жуда катта. Бинобарин, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига билим даргоҳларидан етарли кадрлар етказиб бериш лозимлиги ойнадек равшан. Устозлар қўлидан мукамал таълим олган фарзанд ҳаётда ҳеч қачон адашмайди. Ватанига, халқига умрбод садоқат билан хизмат қилади...

Аллоҳ инъом этган умрни увол қилмаслик ҳақида гап кетган экан, панжара ортда неча йиллар ўтириб, гулдек ҳаётини ҳазон айланлар қаторига ўзлари танлаган касобларига қўлайд, юзакни ёндашаётганларни ҳам бемалол кўйиш мумкин. Айниқса ҳозирги давримиз бунақа хиёнатларни асло кечирмайди.

Биргина маориф соҳаси ходимлари эмас, барча касб эгалари ўзлари ишлайдиган даргоҳа бутун вақтини, диққат-эътиборини, кўчгайратини сарфлаши шарт эканлиги ҳозирги давримизнинг энг муҳим вазифасидир. Давлатимиз раҳбари бу каби талабларни ҳар бир қилишларида қайта-қайта, муножаат таъкидлаётган. Айниқса келажак таълимчиларни барпо этаётган муаллимлар, соғлиқни сақлаш ходимлари бунга яхши тушуноқлари, касбларига хиёнат қилгандан кўра бошқа йўлни танлаганларни маънафатли. Шу ўрин-

да ўйлаб қолади инсон, наинки ўқитувчи, шифокор, балки барча касб эгалари, у ким бўлишидан қатъи назар, шу касб орқали ўз оиласини, фарзандларини боқиб, тиркичилигини шу орқали ўтказяпти, демак виждонан меҳнат қилмоғи керак.

Биз бу сафар туман ва қишлоқлар, мактабу шифохоналар номларини айнан келтирмадик. «Қизим сенга айтман, келишим сен эшит!» нақлига амал қилиб, касбига юзакни ёндашаётганлар бундан ҳулоса чиқарадилар деган умиддамиз. Чунки ўз вазифинизга астойдил ёндашиб, била таълимни ва тарбияси масаласида ота-оналар, кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа боғлаган ҳолда муносабат суратда иктидорли шогирдлар тайёрлаб боришимиз шарт!

Ҳар бир инсонда Аллоҳ томонидан берилган иктидор бўлади. Устоз буни вақтида фахрлаб, улғу ва нури йўл сари отлантормоғи керак. Ана шундангина барча соҳаларда, айниқса таълим-тарбия йўналишида кадрлар танқислиги юзга келмайди. Ҳар бир муаллимнинг машаққатли меҳнати меваси худди шу натижа билан ўлчанади ва баҳоланади. Хулоса қилиб айтганда, азиз юртимизни беқорга ўқитиб, увол қилмайлик. Элу юрт манфаати йўлида камарбаста бўлайлик!

Асад АСИЛОВ, ёзувчи

Газетхон танқид қилади

КУРМАКЛАР

Бугунги кунда аҳолининг оғирини енгиб қилаётган шаҳар автоуловларидан бири автобуслар бўлиб қолди. Ҳозирги кунда улар орқали нафақат шаҳримизнинг исталган бурчагига, балки ундан ташқаридаги манзилларга ҳам вақтида етиб бориш мумкин.

Бир вақтлардагидек узок вақт бекатларда туриб қолиш ва бунинг оқибатида асабийлашишлар энди йўқ даражада. Бу соҳа эгаларининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ҳам қанотланарди. Бироқ, таассуфки, гурч курмақсиз бўлмаганидек улар орасида номуқабил ишлар содир этаётганлари ҳам баъзан учраб туради. Чунончи, баъзи ҳайдовчилар хизмат вақтида бемалол чекиб кетаверадилар, айримлари эса, рулни бошқараётиб таҳлафанда асосан рақамлари билан таъсир қилган ҳолда, рақамлар йўқ эди. Мен, «Кўзим, бу қанакаси, билетда рақам йўқку», дедим у «барибир эмасми, рақам бўлди нима-ю, бўлмади нима» деди. «У ҳолда қуруқ қоғозни йўловчи қўлига

тутқазиб, пулини олиб кетавериш мумкин эканда» дедим. Жавоб янада «мантқиқли» бўлди: «Нима, мен машинкаמידим, чиптани тўғри кесиб берадиган».

Ўз-ўзидан савол туғдилади: икки энлик чиптани қандагидек йиртиб бера олмаган одам нима қилиб чиптачи бўлиб юрипти, яна ёш бўлса? Биз ҳам шунга айтдик: «Ия, чиптани урдади, рақами билан йиртиб бера олмас экансиз, нима қилиб бу вазифада ишлаб юрибсиз?»

Қаҳрамонимиз энди шангиллашга ўтди: «Булди, билдик, битта сиз «чиптачи» экансиз, бошқалар...». Унинг бошқа «хўматли» сўзларини эшитмадик. Биз шаҳримиз автокорхоналари мутасаддиларига айтмоқчи эдикки, ҳайдовчи ва чиптачилар ҳолидан бир ҳам рақам олиб қўйинг. Баъзи чиптачилар чиптанинг рақамсиз қисминини ҳам пулга ўтказишдек учарлик билан шуғулланмастлар. Бу, «Бирники мингга, мингники туманга» дейдилар.

Ю.ТУРСУНОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи илмий ходими

«Обод маҳалла» дастури — амалда

АНҲОР ВА КАНАЛЛАР АТРОФИ ХУШМАНЗАРА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Давлатимиз раҳбари топиригига биноан тузилган республика ишчи гуруҳи томонидан «Обод маҳалла» дастури доирасида Тошкент шаҳрида олиб бериладиган пойтахтимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи анҳор, ариқ ва каналларнинг ҳолати, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги вазият ҳар томонлама ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазириги, Курилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ветеринария, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмиталари, Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази Тошкент шаҳри каналларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш иختисослаштирилган бошқармаси раҳбарлари ва мутахассислари, кенг жамоатчилик вакилларидан иборат гуруҳлар томонидан олиб берилган ана шу ишлар натижасида бугунги кунга келиб ариқ ва каналларнинг ҳолати аянчилик экани, каналларнинг қирқоқбўйи муҳофаза ҳудудлари, ҳаттоки, устки қисмлари аҳоли ва юридик шахслар томонидан тегишли техник хулосаларсиз йиллар давомида ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани маълум бўлди. Хусусан, ариқ ва каналларнинг муҳофаза ҳудудларига ўзбошимчилик билан 1400 дан ортқ турли бино ва қурилмалар, яшаш хонадонлари, савдо дўконлари, овқатланиш масканлари, гаражлар, молхона, товўқона ва қўйхоналар, ҳатто, хожатхона ҳам қуриб олинган. Оқова сувлар ариқ ва каналларга оқиб қўйилган. Бундай ҳолатлар каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини кескин камайиши, санитар аҳоли ёмонлашуви ва техник ҳолатининг бузилишига олиб келмоқда.

Шу билан бир қаторда, эксплуатация ташкилотларининг кундалик тозалаш ва назорат ишларини олиб беришида, ёнгингарчилик оқибатида ҳосил бўладиган катта миқдордаги сув ҳажмларини бошқаришда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Энг ачинарлики, қирқоқбўйи атрофида юзга келган бундай аянчиликлар бекор ва неъмат бўлган сувнинг ифлосланишига, сув ва сув буйидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг йўқ бўлиб қолушига, экологик, эпидемиологик ҳолатининг кескин ёмонлашувига сабаб бўлмоқда. Республикадаги ҳозирги томонидан пойтахтимиз анҳор, ариқ ва каналларда юзга келган салбий ҳолатларни бартараф этиш, уларнинг санитар ва техник ҳолатини яхшилаш, қирқоқбўйи ҳудудларини обод қилиш бўйича тегишли вазирлик, идора, шаҳар ва туманлар ҳокимлиқлари ташаббуслари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мисол учун, шу кунларда пойтахтимизнинг барча туманларида ариқ ва каналлар ўзанлари, қирқоқбўйларини тозалаш ва ободонлаштириш, муҳофаза ҳудудларига барпо этилган ноқонуний бино ва қурилмаларни бартараф этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Қорасув, Салор, Ҳасан каналларининг Мирзо Улуғбек туманидан оқиб ўтувчи қисми тозаланимоқда. Бу ишларда Фавқулодда вазиятлар вазириги ходимлари, ободонлаштириш ташкилотлари ишчилари, маҳалла ахли фаол иштирок этишмоқда. Каналларни тозалаш ишларига махсус техника ва юк машиналарининг жалб этилгани яхши самара бермоқда. Каналдан қазиб чиқарилган чўкчинди, лой ва чикиндилар қудратли техниклар ёрдамида пешмапеш ташиб кетилмоқда. Сув буйидаги дарҳамларда шакл берилмапти, қуриб қолганлари эса олиб ташланмоқда. Ҳаракат қилишга ҳалал бераётган қурилмалар тартибга солинмоқда. Туманнинг Қорасувбўйи кўчасидан оқиб ўтувчи канал ҳам бундан кун олдин ачирилиб ахволда эди. Бугун ушбу гўшада ҳам ободонлаштириш ишлари кўндал бўрилмоқда. Ушбу муносабат билан 63 та бино ва қурилмалар барпо этилгани маълум бўлган эди. Ҳозирги кунда уларни тегишли тартибда бартараф этиш, қирқоқбўйларини тозалаш ишлари юқори суръатларда олиб боришмоқда. Юзлаб мутахассис ва ишчилар Қорасув, Катта Толарик, Баротқўшжар каналларида ҳам тезлаш ва ободонлаштириш ишларини бажармоқда. Жумладан, Салор каналининг туманининг Мироншоҳ ва Кичик Бешбўғоч маҳалла ва кўчалари бўйлаб оқиб ўтувчи қисмининг 1200 метридан 700 метрда кўпори тозалала бўлинди. Салор каналининг Яққасарой тумани бўйлаб оқиб ўтувчи қисмининг 2400 метрида тозалаш ишларини бажариш режалаштирилган. Шу кунларда каналнинг «Дамарик» маҳалласидан ўтувчи қисми бўйларидан 250 нафардан ортқ ишчи-ҳодимлар меҳнат қилмоқда. Техника ёрдамида қанал бўйи чиқиндилар, ўт-ўлан ва шох-шаббалардан тозаланапти. Ишчи гуруҳининг ўрганишлари давомида қаналлар ва уларнинг атрофида аниқланган муаммолар ҳам ижобий ҳал қилинапти. Мисол учун, Олмазор туманининг Кичик ҳалқа йўли кўчасидаги «Барокко» ресторани эгалари томонидан сув буйида рўхсатсиз қуриб олинган айвончалар олиб ташланди. Канал бўйида белгиланган қоидаларга эди равишда қурилган ошона ҳам энди йўқ.

Жар қаналининг Шайхонтоҳур тумани Байналмилал кўчаси бўйлаб оқиб ўтувчи қисми қараб бўлмас ахволда эди. Бугун бу ерда юзлаб кишилар ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириш учун тизимий меҳнат қилмоқда. Узок йиллар давомида қаровсизлик ва лоқайдлик туфайли ёмон ҳолатга келган канал атрофлари эндиликда шу атрофда яшовчи аҳоли учун ҳам гўзал хордик максаига айланади. Шунинг учун ҳозирда канал атрофи ўзбошимчилик билан қурилган бино ва қурилмалардан тозаланимоқда. Ободонлаштириш ишларига жалб этилган техника воситалари ёрдамида тарвақайлаб кетган дараклар буталмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, «Обод маҳалла» дастури асосида республика ишчи гуруҳи томонидан пойтахтимиздаги анҳор, ариқ ва каналларда аниқланган қўлаб муаммолар бартараф этилиб, яқин истиқболда уларнинг ҳар томонлама обод ва хушманзара масканларга айланиши учун мустаҳкам замин ҳозирланмоқда.

(Ўз мухбирларимиз)



Спорт янгиллари

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Индонезияда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари футбол турнирида юртимиз шарафини Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз ҳимоя қилади.

Яқинда Индонезияда ўтадиган Осиё ўйинлари футбол турнирига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра Равшан Ҳайдаров шогирдлари голиблик учун "В" гуруҳида Таиланд, Қатар, Бангладеш терма жамоаларига қарши кураш олиб боради. Энди режага кўра Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз 4 август куни йиғилади ва шу куннинг ўзида футболчилар тиббий кўриқдан ўтказилади. 5 августдан Равшан Ҳайдаров шогирдлари Осиё ўйинларига сўнгги тайёргарлик вазифасини ўтовчи ўқув-машғулот йиғини ўткази бошлайди.

МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИ ОШАДИ

Марказий Осиё футбол ассоциацияси ташаббуси билан 16 ёшгача бўлган чарм тўп усталаридан таркиб топган ўсмирлар терма жамоалари ўртасида халқаро турнир уюштирилаётгани мухлисларга маълум.

Ана шу муносабат билан Марказий Осиёдаги футбол мураббийлари учун навбатдаги ўқув курси ташкил этилди. Пойтахтимизда ўтказилган ушбу ўқув курсида Марказий Осиё футбол ассоциациясига аъзо мамлакатларнинг икки нафардан ва-

қили ҳамда ўзбекистонлик мураббийлар иштирок этишди. Жараёни Осиё футбол конфедерацияси инструктори Ислоҳ Аҳмедов ҳамда ташкилот техника қўмитаси аъзоси Шавкат Имомов олиб боришди.

Диёра ЭРГАШЕВА

СОҶА РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ АНЖУМАН

Миллионлар ўйинини ривожлантириш йўлида янги босқични бошлаган ПФЛ истиқболли лойиҳалар устида иш олиб бораётганлиги қувонарли.

Яқинда лига ва клублар ҳомиёлари билан яқиндан ишлаш, учрашувлар имкон қадар кенгроқ ёритилишини таъминлаш мақсадида Суперлига жамоалари маркетинг ва матбуот хизмати ходимлари учун семинар уюштирилди. Унда клубларнинг реклама ва маркетинг хизмати янада яхшилаш, ҳомиёлар билан шартнома тузиш орқали даромад олиш бўйича таклифлар, тавсиялар берилди. Йиғилганларга интернетда Суперлига учрашувларини трансляция қилишда қандай жиҳатларга эътибор қаратилиши лозимлиги тушунтирилди. Шунингдек, Суперлига ўйинларининг матбуот томонидан ёритилишида замонавий ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР МАҲОРАТ САБОҚЛАРИДА

Ўзбекистон стол тенниси федерацияси томонидан мамлакатимизда навқирон авлод ўртасида спортнинг стол теннис турини янада оммалаштириш борасида кўплаб самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу ишлар доирасида Ўзбекистон стол тенниси федерацияси раиси Саида Маҳмудова томонидан пойтахтимиздаги бир қатор мактабгача таълим муассасаларида мазкур спорт тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари билан биргаликда маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Бу каби тадбирлардан кўзланган мақсадимиз болаларимизнинг стол тенниси билан янада кўпроқ шугулланишларини таъминлаш ва уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашдир, — дейди Саида Маҳмудова. — Сўнгги йилларда федерациямиз томонидан ёшларни мазкур спорт турига ошно қилиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Уйлаётганимиз, маҳорат сабоқлари болаларда стол теннисига қизиқиш уйғотади. Энг муҳими эса улар ёзги таътил кунларида спорт билан шугулланиб, вақтлари мазмунли ўтади.

ШАХМАТ МУСОБАҚАЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Республика шахмат федерацияси залида бўлиб ўтган мусобақада голиб ва совриндорлар аниқланди.

Сақкиз ёшли қизлар ўртасидаги беллашувларда Манзура Рустамова (Тошкент вилояти) тенгдошларидан устун келди ва шохсуланинг юқори поғонасидан жой олди. Шу ёшдаги ўғил болалар баҳсида эса Сардорбек Каримовга (Тошкент шаҳри) тенг келадиган рақиб топилмади. Мумтозбегим Мансурова (Тошкент шаҳри), Зилола Актамова (Навоий вилояти), Санжар Мустафоев (Навоий вилояти), Расулбек Абдуллаевлар (Хоразм вилояти) ҳам ўз ёш тоифаларида биринчи ўринни эгаллашди. Голиб ва совриндорлар Республика шахмат федерацияси томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Қилмиш — қидирмиш

ҚЎЛИ ЭГРИНИНГ ЙЎЛИ ЭГРИ

Дарахтларда, хонадонимиз айвониди, баланс симёғочларда ин қуриб, шу инни ўзига макон деб билган қушларни кўз олдингизга келтиринг. Ин қуриш мақсадида ҳар бир хасни, уни мустаҳкамлаш учун лойни тумшугида олиб келади, полапонлар очади. Оғзидаги овқатни ўзи емайди, болаларига беради.

Таъбир жоиз бўлса, оиласини кўз қорачиғида асрайди. Унинг таъминоти учун тинмай бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга учиб юради. Полапонларини тажовузлардан ҳимоя қилади. Бепояён ўрмондаги йирткич ҳайвонлар, денгизлардаги балиқлар ёки хонадонингиздаги паррандаларни эски. Худди шу ҳол тақрирланаверади. Бу ҳолатлар барчамиз учун табиий равишда содир бўладиган, айрим ҳолларда эса ҳайрат билан қузатамиз.

Инсон зоти қадим-қадимдан оилани муқаддас билиб, уни асраб-авайлаб мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келади. Аждодларимиздан мерос бу эзгу фазилатлар асрлар оша яшаб, бугунги ва келажак авлодлар учун муқаддас қадриятга айланган. Одамзод учун энг қимматли анъаналар, яъни ҳалоллик, ростгўйлик, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади. Демакки, ўзбек оиласининг мустаҳкамлиги сирини ва саодатини унинг маънавий оқсаклигидадир, десак хато бўлмайди.

Бироқ орамизда шундай тоифадаги одамлар ҳам борки, улар оила деган муқаддас даргоҳни ўйинчоқ деб билади. Масалан, Яшнобод туманида яшовчи Рустам Ариповни шундайлардан бири десак бўлади. Муқаддам ўғрилиқ ва бошқа жинояти учун икки бор судланган Рустам Арипов ўзига тегишли хулоса чиқармади. Икки фарзанди бўла туриб, хотини билан ажрашди. Устига устак у спиртли ичимлик ичиб, собиқ турмуш ўртоғининг уйига телефон қилиб, бўлмагур гапларни айтишни одат қилди. Бундан хатто икки фарзанди ҳам беизб қолди. Аммо Рустам Арипов "одатини" қанда қилмади. Шу йил 19 май куни у собиқ турмуш ўртоғи билан низолашганлиги сабабли ўзгалар мулжига қасддан кўп миқдорда зарар етказиш мақсадида ярим тунда "Янгиобод ихтисослаштирилган бозор" ҳудудида девордан ошиб кирди. Гап шундаки, ушбу бозорда собиқ турмуш ўртоғи савдо-сотик билан шугулланарди. Аламига чидай олмаган Рустам Арипов унинг растасини ёқиб, воқеа жойидан яширинади. Олов эса қучайиб қўшни расталарга ҳам ўтади. Ёнғин натижасида фуқароларга жами бўлиб, 150 миллион сўмдан зиёд миқдорда зарар етди.

Суд мажлисида судланувчи тарикасида сўроқ қилинган Рустам Арипов айбига тўлиқ иқролик билдириб, жаҳл устида собиқ турмуш ўртоғининг буюмларини ёқиб юборганлигини айтди. Оиласидан воз кечиб, фарзандларини ўз холига ташлаб қўйгани етмагандай, уларнинг ҳаловатини бузди. Собиқ турмуш ўртоғидан алам олиш учун ярим тунда бозорга кириб ўт қўйди. Қўли эгрининг йўли эгри бўлиб чиқди. Энди у жазони колонияда ўтайдиган бўлди.

Аброр САИДОВ, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг раиси

ТОМОШАБИНЛАРГА МАНЗУР СПЕКТАКЛАР

Пойтахтимизда Маданият вазирлиги ҳамда Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Ўзбекистон кўғирчоқ театрларининг XI аънавий кўрик-фестивали бўлиб ўтмоқда.

Ёшларни соғлом ва теран тафаккурли, юксак бадиий дидли инсонлар этиб камолга етказишда театр санъатининг аҳамияти беқиёс. Шу нуқтаи назардан бугунги шиддатли замон иқодий жамоалар, айниқса, болалар театрлари зиммасига гоёта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Фестивалга тақдим этилган спектакллар замонавий ва тарихий мавзуларда бўлиб, тарбиявий аҳамиятга моллик экани билан диққатга сазовор, — дейди кўрик-фестиваль ҳакамлари хайъати аъзоси, театршунос Эсон Уринов. — Спектаклларни баҳолашда асар мавзусининг долзарблиги, гоёси, тарбиявий аҳамияти, актёрларнинг ижро маҳорати, нуҳт маданияти, мусиқа, сахна декорациялари каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Кўрик-фестивалда намойиш этилаётган "Виртуал дунё", "Сехрли табиб", "Мушқча Миу", "Қирқ қиз", "Зумрад ва Қиммат", "Оқушлар нидоси" каби спектакллар ёш томошабинларга манзур бўлмоқда.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети" "МИСИС"нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали

абитуриентлар таълимнинг кундаги бўлимига 2018-2019 ўқув йили учун қўйидаги мутахассисликлар ва йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:

21.05.04 "КОН ИШИ" (СПЕЦИАЛИТЕТ — 5.5 йил) (75 ўрин) 22.03.02 "МЕТАЛЛУРГИЯ" (БАКАЛАВРИАТ — 4 йил) (50 ўрин)

09.03.02 "Ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқарув" (БАКАЛАВРИАТ — 4 йил) (25 ўрин)

Ҳужжатлар 2018 йилнинг 1 июлидан 25 июлига қадар қабул қилинади.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

МТТУ "МИСИС" ректори номига абитуриентнинг шахсан ўзи томонидан ёзилган ариза; Паспортнинг асли ва нусхаси; Маълумоти бўйича ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, диплом);

Абитуриентнинг шахсан эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар; Рус тилида тўлдирилган (форма№086-У) тиббий маълумотноманинг асл нусхаси;

6 дона 3,5x4,5 ҳажмдаги фотосурат. Манзилимиз: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 37. (мўлжал — Олмалиқ Кончилиқ КХК) Қабул комиссияси телефони: +998706151052

Ҳужжатлар ҳар куни (яқшанбадан ташқари) соат 9.00дан 17.00гача қабул қилинади. Бошқа қўшимча маълумотлар билан www.misis.uz сайтимиз орқали танишишингиз мумкин.

Олий ўқув юртимизнинг афзалликлари:

1. МТТУ "МИСИС"нинг дипломи Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади.

2. МТТУ "МИСИС"нинг барча битирувчиларига "Олмалиқ КМК" АЖ корхоналаридан иш ўринлари тақдим этилади.

ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод фермер хўжалиги ҳудудидан (мўлжал: Сергели тумани, Кўйлик-5 даҳаси рўпарасида) фуқароларга ўзининг хусусий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги квартираларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрига топшириш эвазига ер участкалари ажратилиши режалаштирилган.

Топширилган икки хона учун 500 кв.м ҳисобидан ер участкаси олишлари мумкинлиги маълум қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 239-35-06, (+99894) 688-88-77.

15361-ҳарбий қисм томонидан 20.02.2017 йилда Абдиқалилов Элёр Шухрат ўғли номи берилган ОК 016299-рақамли тавсиянома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон давлат техника университети томонидан Абдуллаходжаев Зафар Аманович номига 2008 йилда берилган В№ 363918 рақамли бакалавр диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2013 йилда Убайдуллаева Дилдора Саъдулла қизи номига берилган К № 3158242 рақамли (1529-рўйхат рақамли) диплом ҳамда диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзидромет ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 14 июль куни ҳаво ўзағариб туради, ёнғинларчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 14 июльда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрингиз ериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳақми — 26сма табоқ, офсет усулида босилади. 5313 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармачиси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмак АҚРОМОВ